




ҲАММА ЯХШИ НАРСАЛАР—БОЛАЛАРГА

Фрунзе районидagi Космонавтлар проспектида ҳашар йўли билан бўлиб этилган янги болалар шаҳарчаси «Шарқ эртаклари» деб номланди.

Болалар ва уларнинг ота-оналари чехрасидаги табассум янги шаҳарча маъқул бўлганлигидан нишона.

— Болаларнинг қувнаб ўйнашини қаранг. Уларни қандай қилиб уйга олиб кетишга ҳайрон бўлиб турибман, — дейди Наталья Михайловна Новикова. — Икки соат жуда тез ўтиб кетди. Негакки, бу ерда болаларни қизиқтирадиган нарсалар жуда кўп.

Мамлакатимиз боғларида ҳозир 7500 та аттракцион борлигини қўшимча қиламиз. 2000 боғ учун бу катта рақам эмас. Партияс, совет органлари болалар шаҳарчаларини бунёд этиш масаласини тубдан ҳал қилишга киришганликлари мўжиза янги ҳам шунда. Ҳозир жуда кўп турар жой массивларида ана шундай шаҳарчалар ишлаб турибди.

Фрунзе районидagi «Космос» шаҳарчасини ким билмайди дейсиз. Бу ердаги хилма-хил аттракционлар болалар эътиборини тортмоқда. Кафени айтмайсизми? Бу ерда муқаймоқлар, мураббадлар, коктейллар тайёрланади. Кафеда хизмат кўрсатган комсомол-ёшлар бригадаси кичинтойлар кўнглини овлашини билишди.

— Фрунзе райони ўзининг 50 йиллигига тайёргарлик қилмоқда, — деди район партия комитетининг секретари Т. И. Искандаров. — Кейинги пайтда 10 та болалар шаҳарчаси, 10 та автомобиль тўхташ майдони қурилади. Ҳозир «Болиқ» массивида ёзги кинотеатр қурилоққа. Ушбу шаҳарчани бунёд



этишни район меҳнаткашлари, партия, комсомол ва меҳнат ветеранлари ташкил этишди. Унинг бош планини «Ташкилпроект» институтининг ёш мутахассислари ишлаб чиқишди. Ҳайкалтарошлар группаси Виталий Гамбаров раҳбарлиги қилди. Район саноат корхоналари ва ташкилотларининг меҳнатчилари Волга автомобиль заводи ишчи ва хизматчиларининг ташаббусига қўшилиб, қурилишда тўрт кундан ишлаб беришди. 30 мингдан

зиёд комсомол аъзоси бу ерда меҳнат қилди. «Шарқ эртаклари»нинг аттракционлари ҳам бошқача. Шаҳарчанинг бир томони чўл, иккинчи томони тоғлар, тўртинчи томони сув билан қураб олинган. Болакайларга «Тун», «Аждаҳо» композициялари жуда маъқул бўлмоқда.

Э. АДАКИНА. СУРАТЛАРДА: «Шарқ эртаклари» шаҳарчаси. Т. Қаримов фотолари.

Ажойиботлар оламида

Қўлөзмалар ҳикоя қилади

ТАСС ВА ЎЗАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

XI аср олими Мухаммад ибн Аҳмад ал-Хусайни ал-Хараканининг қўлөзмаси астрономия, география, фалсафа масалаларини ўз ичига олади. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси шарқшунослик институтининг олимлари китоб омборидан

шу қўлөзamani топдилар. Институт китоб омборида шарқ тилларида ёзилган 40 мингтадан кўп қадимий текст ва ишчи ва хизматчиларининг ташаббусига қўшилиб, қурилишда тўрт кундан ишлаб беришди. 30 мингдан

адабий асарларнинг тўпламларидир. Институтда икки томдан иборат «Шарқ миниатюраси» ҳам нашр этишга тайёрланди. Унга XI—XIX асрлар қўлөзмалари ишланган уч мингтага яқин расм кириптиган.

Қандай қилиб озиш мумкин

Умумий овқатланиш институтининг мутахассислари озишни истаган кишиларга ўзларининг янги маҳсулотларини тақдир этишмоқда. Булар калориясиз паст десерт овқатлар бўлиб, одатда катта ва лавлаги шарбатидан, сабзи ва қовоқ посидан тайёрланган.

Қўшимча маҳсулот сифа-

тида метилселлюлозадан — таъми ҳам, ҳиди ҳам бўлмаган органик моддадан фойдаланилади. Уни организм ҳазм қилмайди ва шу хусусият орқиб қорин қўйган кишилар учун самарали восита ҳисобланади. Харьков эндокринология ва гормон химияси, болалар ва ўсмирлар соғлигини сақлаш ил-

мий-тадқиқот институтларида ўтказилган тадқиқотлар янги маҳсулотнинг нафли ва мазали эканлигини тасдиқлади. Энди гап бу таомни умумий овқатланиш корхоналари ва консерва саноати тизимида ўзлаштиришида қолди.

Пробиркада етиштирилган ток

В. Тоиров номидаги Украина узумчилик ва қўчатчилик илмий-тадқиқот институтиди муҳим бир эксперимент ўтказилди. Пробиркада ўстирилган ток ниҳолдан вирусиз қўчат олинди.

Ҳозирга қадар ҳатто тажрибали қўчат етказувчилар ҳам бундай қўчатларни етиштириш олмаганди. Гап шундаки, табиғатда ток бир қанча хавфли касалликларга дучор бўлади ва бу ҳолатга катта зиён етказиб, тоқзорлар умрини икки баравар камайтириб юборади. Қўпна вируслар яширин кун кечиради ва уларни эрта бос-

қичда одатдаги методлар билан топиб бўлмайди. Кейин эса мутахассислар уларга қарши курашишга қодир бўлмай қоладилар. Эндикда бу ишда ноёб лаборатория-теплица комплекси ердан беради. Селекциячилар, қўчат етказувчилар, вирусологлар, меҳнатчилар бу борада ўз куч-ғайратларини бирлаштиришди.

Лаборатория мудрири З. Белякова дастлабки қўчатларини фахр билан кўрсатади.

— Ўн-ўн бешта қаламчага эга бўлган ҳолда лаборато-

рия шароитларида юз мингтадан қўчатни тезда ўстириб олиш мумкин. Бу нарсани янги навлари кўпайтиришни анча тезлаштиради.

Ана шу соф қўчатларни кўпайтириш учун база ҳўжаликлари ва сара қўчат ҳўжаликларида юбориш мўлжалланмоқда. Натияжада шу беш йилликнинг охирига бориб қўчатларнинг саноат сифатли соғлом ва фойдаланилиш қўчат билан таъминлаш, қимматли қўрак узумининг серхосил навлари тоқзорларини анча кенгайтириш мумкин бўлади.



Пухта тараддуд кўрилса

Мени яқинда партия группаси ташкилотчиси этиб сайлашди. Шу сабабли бир масала қизиқтиради: партия йиғилиш қарорининг лойиҳасини олдидан тайёрлаш керакми ва умуман қарор лойиҳаси қандай бўлиши керак!

П. АНВАРОВ, ишчи.

Ҳ. ХУДОЙБЕРГАНОВ, В. И. Ленин номидаги электрон-техника заводи партия комитетининг секретари.

— Партия XXVII съезидан кейин биринчи марта ўтказилган кўпчилик йиғилиши — партия группалари ва кўпчилик цех партия ташкилотларидаги ҳисобот-салоҳият партия йиғилиш, сийёсий тарбиявий ишларни янгича поғонага кўтариш вазифасини қўяди. Ҳисобот-салоҳият мобайнида ишда ўзини кўрсатган, яхши тайёргарликдан ўтган, коллектив ўрқиде обрў-эътибор қозongan коммунистлар партия группаларига ва цех партия ташкилотларига етқич қилиб сайланмоқдалар. Масалан, биргина бизнинг корхонамизда 50 дан зиёд партия группасида бўлиб ўтган ҳисобот-салоҳият йиғилишларида бунга муҳим эътибор қаратилди.

Айни пайтда практикадан шу нарсани яхши маълумки, партия йиғилишларининг қарори лойиҳасини олдидан тайёрлаб қўйиш коммунистларнинг амалий тақлифларига ҳам кенг имконият яратди. Негакки лойиҳа муҳокама этилаётган лойиҳа улар лойиҳага ўз таътиши ва қўшимчаларини киритишлари мумкин. Шунинг учун ҳам барча манфаъдор ходимлар, қарорга дахлдор

бўлган кишиларни тайёрлаган лойиҳа ва муҳокама қилинган масалаларга оид бошқа материаллар, савракалар билан олдидан таништириш мақсадага мувофиқ.

Йиғилиш қарориде кўпчиликнинг фикри ва амалий тақлифлари қанчалик кенг аксини топса, у шунчалик таъсирчан ва фойдали бўлади. Партия XXVII съезиде, партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумларида вазифаларни конкрет равишда қўйиш, уларни амалга ошириш мўддатларини аниқ белгилаш ва уларнинг ижроси учун маъсул бўлган кишиларни аниқлаш, қўллас йиғилиш қарорининг ниҳоятда конкрет бўлиши борасида ҳаққоний талаблар қўйилди. Шундай бўлиши керакки, ҳар бир коммунист партия ташкилоти томонидан белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун конкрет ҳисса қўйиши, ўзига ишониб топширилган иш ва топшириқ учун маъсулиятни тўла ҳисс этиши ва шу тариқа ўн иккинчи беш йиллик ва унинг тўнгич йили вазифаларини, съезд ўртага қўйган режаларни амалга оширишга ўз мубосири ҳиссасини қўйиши лозим.

Қурувчилар ошхонаси

Биз илгари чекка объектларда ишлаганимизда тушми овқатланиш масаласида қийналар эдик. Ҳозир эса бунинг акси, тушда объектга иссиқ овқат конейнерларда олиб келинадиган бўлди. Маълум бўлишича, биз қурувчилар учун алоҳида ошхона очилган экан. Ана шу ошхонанинг иши ҳақида газега орқали тўлароқ маълумот берсангиз.

Т. ЮСУПОВ, И. РАҲИМОВ, 4-трест ишчилари.

Н. КОВАЛЬСКАЯ

«Главташкентстрой»нинг умумий овқатланиш ташкил этиш ва назорат этиш бўлими бошлиғи.

— Чиндан ҳам, яқин вақтларгача қурувчиларимизнинг иш жойида овқатланиш ташкил этишда бирмунча қийинчиликлар мавжуд эди. Эндикда биз ихтисослаштирилган ошхонага эга бўлдик. Юнусовод массивининг 19-кварталда қурувчилар ошхонаси ишга тушди. Бундай ошхона ҳозиргача мамлакатимизда фақат Минск шаҳрида бор эди. Уларнинг таърибасини шаҳримизда қўллаш бинокорларга манзур бўлмоқда.

Объектни қуришда 1-қурилиш трестининг бинокорлари жонбозлик кўрсатишди. «Главташкентстрой»нинг бошқа қурилиш ташкилотлари ҳам ўз ошхоналари қурилишида уларга ёрдам беришди.

Ошхона биноси сиртдан ҳашаматли эмас. Бироқ, бу ерда бир йўла 1.200 киши учун мазали ва хилма-хил таомлар тайёрлаш учун барча шароит бор. Комплекс овқатлар конейнер усулида тайёрланади. Овқатлар металл носаларга сузилади, кейин бу идишлар термомониторларга жойланиб, қурилиш объектларига қўйилган.


Термомониторларни ташкил учун бешта автолавка типидagi махсус жихозланган машиналар ажратилди. Хизмат кўрсатиш ишларини бош диспетчер раҳбарлигидаги 12 киши бажаради. Улар ўзларига биринчилик объектларга хизмат кўрсатишда. Айни пайтда қурувчиларнинг келгуси кун учун қандай таомлар келтириш

ҳақидаги истакларини ёзиб олишади.

Ихтисослаштирилган ошхонада эса Киров районидagi 4-ошхона ходимлари мазали таомлар тайёрлашмоқда. Бу ерда 27 малакали па-занда ишламоқда. Ҳозирча бу ошхона хизматидан асосан Юнусовод массивининг янги микрорайонларини қураётган қурувчилар ва Тошкент автомобил йўллар институти ётоқхонаси қурилишида ишлаган бинокорлар фойдаланишмоқда. Яқин кунларда Охангарон шоссеси ёқасидаги ва «Луначарское» шоссесининг жанубидagi микрорайонларни қураётган қурувчилар ҳам янги ошхона хизматидан фойдаланишлари режалаштирилмоқда.

Янгилик чекка объектларда ишлаган қурувчиларнинг тушлик вақтини тоғат тежайди. Яъни, улар объектда дам олиш бурчагига йиғилсалар бас. Столарда қосаларга сузиладиган таомлар муҳайё бўлади. Тажриба шуни кўрсатдики, қурувчилар 10—15 минутга овқатланиб бўлишади. Кейин эса микириб дам олишади. Ёнг муҳими, янгилик шаҳримиз қурувчиларга манзур бўлди.

СУРАТДА: ихтисослаштирилган ошхонада таомларни конейнер усулида тайёрлаш пайти.



КИМ ҲАҚ?

Давлат ишида йиғирма бир йил меҳнат қилиб, иккинчи группа инвалиди бўлиб қолдим. Озгина пул кимлик, эски машина сотиб олгандик. Ўзимнинг ҳайдовчилик гувоҳнома бор. Соғлигим ёмонлашганига сабаб-да, машинани рафиканинг номига ўтказган эдим. Яқинда Чилонзорнинг 8-кварталда жойлашган устакхонага бориб, аккумулятор олиш учун навбатга турмоқчим эдим. Машина хотинимнинг номиде бўлганини учун навбатга қўйишмади. Шу тўғриси!

Жамшид кўча, 30-уйда яшовчи иккинчи группа инвалиди.

И. КАРАХАНОВ, «Ташавтотехобслуживание» бирлашмасига қарашли 1-техник хизмат кўрсатиш пунктнинг директори.

—1984 йил 3 январда «Ташавтотехобслуживание» бирлашмаси бўйича чиқарилган буйруққа асосан аккумуляторлар фақат машинанинг техник паспортига кимнинг номи ёзилган бўлса ўшанга берилади. Шунинг учун сиз иккинчи группа инвалиди бўлишингизга қарамадан машина хотинингизнинг номиде. Шу сабабли сиз Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчилари, меҳнат ветеранлари учун чиқарилган имтиёزلардан фойдалана олмайсиз.

А. СУЛТОНОВ, Жамшид кўча, 30-уйда яшовчи иккинчи группа инвалиди.

Акс садо

Шаҳримизда сайлгоҳлар кўпайсин

Ўзбекистон Архитекторлар союзи, Тошкент шаҳар архитектура-планлаштириш Бюро башқармаси, «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газега редакцияларининг шаҳримизда сайлгоҳларни кўпайтириш ҳақидаги тақдирини бўйича редакция газетхоналардан хатлар олмақда. Оқшомхоналар шаҳарозолиқнинг барча талабларига жавоб берадиган кўча ҳақида, уни шаҳар пйёдалар зонасига айлантириш ҳақидаги ўз фикрларини билдиришмоқда.

Бундан 40 йил муқаддам шаҳримиздаги Навоий кўчасида ҳозиргидек жуда кўрам бинолар кам эди. Бугунги кунда бу ерда қадимий, тарихий бинолар билан бир қаторда бири-биридан чиройли бўлган бинолар қад кўтарди. Бу сўзни гапириндан мақсад пйёдалар зонасини ана шу Навоий кўчасида ташкил этишга муваффақ бўлиши айтиш мўддо бўлар эди. Фақат бу ерда троллейбус қатновини бошқа кўчага қўйиш ҳақида ўйлаш керак.

Кўчанинг соя-салқинлиги, кўрам бинолари ана шу ерда пйёдалар зонасини ташкил этишга тақозо этади. Бунинг устига Навоий кўчасида «Санъат саройи», Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри каби аҳоли дам оладиган санъат қосоналари жойлашган. Ярмаркалар, Бош универсаль магазин ва бошқа бир қанча савдо шохобчаларининг ана шу кўчада эканлиги ҳам дам олувчилар учун қўлайлик яратди. Кўчанинг икки четида ҳар хил қурилишдан иборат бўлган фонтанчалар ўрнатилиб, ўриндиқлар қўйилса дам олувчилар учун янада қўлайлик яратилган бўлинарди.

К. РАҲИМОВ, меҳнат ветерани.

Эсимда бор, бундан йиғирма беш — ўттиз йил муқаддам шаҳримиздаги Карл Маркс кўчасида, В. И. Ленин майдони атрофларида жуда кўп сайлгоҳ бўлиб ўтарди. Шаҳримиз аҳолиси ўзларининг бўш вақтларида ана шу сайлгоҳда қатнашиб, мазе қилиб ҳордиқ чиқариб қайтишарди.

Бугунги кунда Карл Маркс кўчасида ана шундай сайлгоҳ ташкил этилаётгани айтиш мўддо бўлиб. Бу сайлгоҳда фақат умумий овқатланиш корхоналари ва савдо шохобчалари аҳоли хизматига бўлибгина қолмасдан, балки кичинтойларимизнинг ҳам қўнглини дам олишлари учун ҳар хил прокат пунктларини ташкил этиш зарур. Бундан ташқари соя-салқин жойларга чиройли қўрилишга эга бўлган ўриндиқлар ўрнатиш керак.

Хуллас, дам олишга келган ҳар бир ҳамашаҳримиз бу сайлгоҳда қўнглини ҳордиқ чиқариш учун барча шароитларни муҳайё этиш лозим. Ана шунда бир бор келган киши ана иккинчи мартаба борама дейди.

М. ҚОРИЕВА, уй бекаси.

Шаҳримизда сайлгоҳларни ташкил қилиш ҳақидаги тақдир айтиш вақтда ўртага ташланди, деб ҳисоблайман.

Баъзан шаба ва яншаба кўчалари бўш вақтининг кечки пайт қареда ўтказишни билмай қолсан, киши. Яқинда Беруний майдонига ўзига хос сайл бўлиб ўтди. Бунда дорбозлар ўз маҳоратларини кўрсатишиб, сайла тўпланганларга томоша кўрсатиб беришди. Савдо хизматчилари томонидан ташкил этилган чанқовбоди ичимликлар ва ҳар хил ширинликлар кўнчиликлари манзур бўлди. Менинг ўзим бир чеккадаги салқин жойда ўтириб фарзандларим билан дам олиб, рохатландим. Бирдан-бир истегим шу: сайлгоҳларни

фақат шаҳар марказидагина эмас, балки ҳар бир районда ташкил этишга эришиш керак.

Н. ҚАҲҚОРОВ, хизматчи.

Ўтган шаба кўни Карл Маркс кўчасида ташкил этилган ярмаркада оғайниларим билан иштирок этиб жуда хурсанд бўлиб қайтдим. Шарқда машаъл бўлган гўзал Тошкентимизда ана шундай ярмаркаларни ташкил этиб азиз ҳамашаҳарларимиз ва меҳмонларга қўлайлик яратилганлиги айтиш мўддо бўлибди. Кичик фарзандимнинг оёғига пойфараал кийдириб юрган эдим. Уни ана шу ярмаркадаги савдо ростасида олдим. Кейин оғайниларим билан ўтириб, мазе қилиб наобод едик. Бадий ҳаваскорлар ижросида кўрсатилаётган ҳар хил томошаларни кўриб ҳузур қилдим. Менинг бир истегим бу ерда бироз дам олиб ўтирадиган ўриндиқларни кўпайтириш керак.

А. ҚОДИРОВ, хизматчи.

Иш тақозоси билан мамлакатимизнинг жуда кўп ерларида қоманпировакка бўлган. Ленин қареда қўмай барбиров бирикни ҳафта ўтайдиган кейин жонжаон шаҳримизни кўмсаб, тезда қайтиш келаваради. Газега-ларда шаҳримизда сайлгоҳлар ташкил этиш ҳақидаги мақолаи ўқиб жуда хурсанд бўлдим. Ана шундай сайлгоҳи шаҳримизни иккинчи бўлиб оқиб ўтайдиган Анҳор бўлида ташкил этишса мақсадага мувофиқ бўларди. Чунки бизнинг ёшимиз анча иссиқ. Шунинг назарга олиб Анҳор бўйининг иккинчи четида савдо расталари ва ҳар хил томошалар кўрсатиладиган кичик-кичик конейтер майдончалари барпо этилса аҳоли кечки пайт албатта сайл қилгани чиқарди. Бу қўядан транспорт ҳам ўтмайди. Ўрдадан бошлаб Марказий «Пахтакор» стадион атрофи, «Санъат саройи» орқали қамраб олинса жуда каттагина сайлгоҳ барпо қилиш мумкин бўларди.

А. ОРИФЖОНОВ.

Шаҳримизда сайлгоҳлар ташкил этиш ҳақида тақдир кийрат эканмиз уни албатта метро станцияларининг яқинида бўлишга катта аҳамият беришнинг лозим. Чунки сайлгоҳга келиб-кетувчи ҳар бир дам олувчи транспортсиз, метро хизматидан фойдаланиб дам олиб қайтса янада қўнглини бўлади деб ўйлайман.

Шунинг учун сайлгоҳи Дзержинский майдони, «Зарафшон» ресторани атрофидаги хиббонларда ва Карл Маркс кўчасидан тортиб Революция хиббонига барпо этилишини истардим. Ҳозир бу кўрсатган масофа баъзи бир ҳамашаҳарларимизга кенгроқ ерни эгаллаб олгандек туюлиши мумкин. Лекин келажакда сайлгоҳларга келувчиларнинг сони шунчалик кўпайиб кетадикки, бу ерларга балки барчани сиқдириб бўлмай ҳам қолар. Шунинг учун ҳозирдан бошлаб бафуржа, ҳамма нарсани ўз ўрнига қўйишга катта аҳамият бериш керак.

М. АЮПОВ.

«Тошкент оқшом»га жавоб берадилар

«БУЛАР КИМНИНГ ЭРКАСИ?»

«Тошкент оқшом» газетасининг 1986 йил 1 июль сониде юқоридagi сарлавҳа остида Босилган мақолада Собир Раҳимов районидagi Қорақамчи Бозори иштирокида бўлган кичик бозорчада деҳқонлардан келтирилган маҳсулотларни арзон-таровга сотиб олиш, уни иккинчи хисса — эриқ баҳога сўллаётган қайовчиликларнинг қилмишлари, бундай инфосизликка Қорақамчи Бозори маъмурияти томошабин бўлиб тургани тақид қилинган эди.

Ушбу мақола юзасидан редакцияга келган жавобда айтилишича, мақола бозор комплекти йиғилишида муҳокама қилинган. Мақолада келтирилган ҳамма фактлар тўла тасдиқланган. Бозор дирекцияси олибсотарлар ва қайовчиликлар қарши курашини қучайтиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар белгиланган. Бозорда музтама қайовчилик билан шўгулланганидан шахслар рўйхати район ички ишлар бўлимига берилган. Сабавот

маҳсулотларини сотишда назоратсизликка йўл қўйгани учун катта контролер К. Ахорова маънурий жазоланди. Унга илгавор берилди. Бозор маъмурияти филиаллар ишнинг қаттиқ назорат остига олиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Редактор Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

